



"ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ПРОФИЛАКТИКА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ: ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ"

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
ўқитувчиси, майор

Норбутаев Адҳам Ҳамдам ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги
таълим Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти
иқтисослиги бўйича таълим олаётган 2-ўқув курси 228-
ўқув гуруҳи курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14989434>

ARTICLE INFO

Received: 27th February 2025

Accepted: 28th February 2025

Published: 7th March 2025

KEYWORDS

Ҳуқуқбузарликлар,
профилактика, самарадорлик,
ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий тизим,
профилактик чоралар, жамият,
хавфларни камайтириш.

ABSTRACT

Ушбу мақолада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган профилактика чоралари ва уларнинг самарадорлигини ошириш йўллари қўриб чиқилади. Мақолада жамиятда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўладиган омилларни тадқиқ қилиш ва профилактик тадбирларнинг аҳамияти ёритилади. Ушбу чоралар орқали ҳуқуқбузарликлар хавфини камайтириш ва жамиятда ҳуқуқий тизимга ишончни ошириш мақсад қилинади.

Мамлакатимизда давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида, шу жумладан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолати сифатида адолатли суд-ҳуқуқ тизимини шакллантириш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳамда Қонун устиворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш борасидаги ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика самарадорлигини ошириш жамиятдаги барқарорлик, хавфсизлик ва иқтисодий ривожланиш учун муҳим аҳамиятга эга.

“Биз жамиятимизда шундай ҳуқуқий маданиятни шакллантиришимиз керакки, унга мувофиқ Конституция ва қонунларга амал қилиш, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш мажбурият эмас, балки кундалик ҳаётда ва одатга айланиши шарт.

Ш.М.Мирзиёев.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича ҳуқуқий маърифий тадбирлар ва учрашувларни кенгайтириш, халқимиз тарихи, дини, миллий қадриятларини ёш авлод онгида шакллантириш орқали ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш каби долзарб вазифалар турган бир пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш

тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”¹ги 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сонли Фармонининг қабул қилиниши айтиб келинган.

Мазкур Фармонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантиришга, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўққинлик қилувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар кўрсатиб ўтилган. Жумладан, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилмаётганлиги, узоқ йиллар давомида бу масала ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва айрим давлат органларининг иши сифатида қараб келиниб, бунда оила, маҳалла ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки етарлича таъминланмаганлигини, ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий қадриятларга садоқат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини уйғотиш ишига комплекс тарзда ёндашилмаганлиги ҳамда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини аҳоли онгига сингдириш ишларининг етарли олиб борилмаслиги ҳам қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг жиддий салбий таъсирини кўрсатаётганлиги айтиб ўтилган.

Шу ўринда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият ўзи нима деган саволга ойдинлик киритиб ўтамиз.

Ҳуқуқий онг – қисқача қилиб айтганда ҳуқуқ ва қонунчиликка оид одамларнинг тасаввурлари, уларнинг ҳис-туйғулари, амалий тажрибалар таъсирида пайдо бўлган ҳуқуққа нисбатан муносабатини ифодалайди.

Ҳуқуқий маданият эса – фуқароларнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги муҳим билимларни эгаллаб олиши, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақидаги тушунчаларини талқин қила олиши ҳамда улардан тўғри фойдалана олишидир.

Бугунги кунда юртимизда барча жабҳаларда туб ўзгаришлар юз бераётган масъулиятли паллада ҳуқуқий тарбиянинг барча шакл ва усулларида самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этишини ёдимиздан чиқармаслигимиз лозим. Шу сабабли ҳуқуқий маданиятимиз даражасига танқидий баҳо бериб, муаммоларимиз сабабини чуқур ўрганишимиз керак. Бироқ фақатгина қонунларни ўргатиш ва жавобгарлик билан қўрқитиш орқали қонун устуворлигига ва тараққиётга эриша олмаймиз. Бундан ташқари, ҳозирги глобаллашув, илмий-техник тараққиёт даврида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг инновацион усулларида, тарғиботнинг илғор ва таъсирчан воситаларидан, хорижий давлатларнинг бу борадаги ижобий тажрибаларидан етарли даражада фойдаланмаётганлигимиз юқоридаги фикрларимиз исботидир.

Бугунги кунда олиб борилаётган амалий ишларнинг ягона мақсади эса бу жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарадорлигини ошириш, қонун устуворлигини таъминлашдан иборат.

“Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш — амалга оширилаётган барча ислохотлар самарадорлигига эришиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, мамлакатда тинчлик, тотувлик ва барқарор вазиятни таъминлашнинг асосий кафолатидир”²

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” ги 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сонли Фармони

² Мирзиёев Ш.М. “Демократик ислохотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт кафолатидир” //Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги маърузаси, 2016 йил 2 ноябрь. –Т. “Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил 3 ноябрь.

Ушбу мақсадаларнинг чин маънода амалга оширилишини таъминлаш ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг барча чора-тадбирларини самарали ташкил этиш ва амалга оширилишидир. Бу борада ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси муҳим аҳамият касб этади. Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасининг таъсир доирасининг катталигини инобатга олиб Хусусан, аҳолининг ҳуқуқий ва маънавий тарбиясини юксалтириш, уларнинг қонуларга ҳурмат қилиш ва унга амал қилиш руҳида тарбиялаш юзасидан олиб бориладиган ҳуқуқбузарликларнинг умумий тартибдаги профилактик чора-тадбирлари катта ўринга эгадир.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 май қонуни ўзига хос ўринга эга бўлиб, у ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги муносабатларни комплекс жиҳатдан тартибга солувчи ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Ушбу қонунга асосан, *ҳуқуқбузарликлар профилактикаси* – бу ҳуқуқтартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек уларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизимидир³.

Мазкур қонунда қонун ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг қуйидаги тўрт турини аниқ белгилаб берган:

- ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси;
- ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси;
- ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси;
- ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси.

Қонуннинг 3-боб 22-моддасида ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси – ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасидир.

Қонуннинг 23-моддасида ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасининг чора-тадбирлари қуйидагилардан иборатлиги кўрсатилган:

- ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот;
- ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш.

Бу мақолада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика самарадорлигини ошириш бўйича амалий таклифлар, қонунлар ва фармонларга асосланган тадбирлар ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш йўналишлари муҳокама қилинади.

Ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва турлари

Ҳуқуқбузарликлар жамиятдаги турли жамият-иқтисодий, ижтимоий ва маданий омиллар билан боғлиқ. Уларнинг сабаблари орасида:

- Ижтимоий номутаносибликлар (масалан, камбағаллик, ишсизлик)
- Маълумот ёки ҳуқуқий онгнинг пастлиги
- Ижтимоий ва маънавий қадриятларнинг бузилиши

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2014. – №20. – 221-м.

– Давлат органларининг самарасиз ишлашни кўрсатиш мумкин.

Ҳуқуқбузарликлар ҳам жанояти, маъмурий, хулқсизлик ва экологик бўлиши мумкин. Ҳар бир турга муносабатни аниқ белгилаш ва унга қарши тўғри чораларни кўриш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”⁴ги 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сонли Фармони билан Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ишлар самарадорлигини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда ҳуқуқий билимларини ошириб боришнинг замонавий усулларини жорий этиш, шунингдек, аҳолини, айниқса, ёшларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш бўйича мустақкам ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш мақсадида:

Қуйидагилар жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

– аҳолига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг мазмуни ва моҳиятини изчил етказиш тизимини шакллантириш, фуқаролар онгида **«Жамиятда қонунларга ҳурмат руҳини қарор топтириш – демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг гаровидир!»** деган ҳаётий ғояни мустақкамлаш;

– жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, таълим-тарбиянинг тизимли ва узвий равишда олиб борилишига алоҳида эътибор қаратиш, мактабгача таълим тизимидан бошлаб, аҳолининг барча қатламларига ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни чуқур сингдириш, **шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини** кенг тарғиб қилиш;

– ёш авлод онгига ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини ҳамда одоб-ахлоқ нормаларини чуқур сингдириб бориш, **Конституциянинг** муҳим жиҳатларини уларга болалигидан бошлаб ўргатиш;

– юридик таълимни такомиллаштириш, шунингдек, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш;

Шу билан бирга жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш **«шахс — оила — маҳалла — таълим муассасаси — ташкилот — жамият»** принципи бўйича тизимли ва узвий ташкил этилиши белгиланди.

Наргисахон Мухтаровна Умурзакова таъкидлаганидек, “Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтиш жоиз деб ўйлайман. Бугунги кунда қонунларимизни оддий халқ тушунадиган даражада содда тилда ишлаб чиқиш масаласи ҳам долзарб бўлиб турибди. Қонун лойиҳаларини ўзбек тилида тайёрлаб, кейинчалик рус тилига ўгириш мақсадга мувофиқдир. Амалиётда эса бир қатор қонун лойиҳалари рус тилида тайёрланиб, сўнгра ўзбек тилига ўгирилиши оқибатида ундаги айрим жумлалар ғализ ва тушунарсиз бўлиб қолмоқда. Қолаверса, қонун ҳужжатларини аҳолига етказадиган веб-сайтлар номи ҳам ўзбек тилида, қисқа жумлада ифодаланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Масалан, ҳозир амалдаги Ўзбекистон Республикаси норматив ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали - www.regulation.gov.uz номи балки мутахассислар учун, зиёлилар учун тушунарлидир, аммо оддий фуқаролар учун эса қоларли, дейиш қийин. Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисми ўзбек тилида сўзлашишини инobatга олган ҳолда бу каби оммавий интерактив порталлар ўзбекча номланса, улар барчага тушунарли бўлади, деган фикрдамиз.⁵

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” ги 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сонли Фармони

⁵ Наргисахон Мухтаровна Умурзакова “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ҳуқуқий таълим ва тарбиянинг узвийлигини таъминлаш”

Профилактика чораларининг самарадорлигини ошириш Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика самарадорлигини ошириш учун қуйидаги амалиётлар муҳим аҳамиятга эга:

Ҳуқуқий таълим ва тарбия: Давлат ва жамиятнинг вазифаси – ҳуқуқий онгни ошириш, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқларини ва мажбуриятларини тушунишини таъминлаш. Бу мақсадда мактабларда, олий ўқув юртларида, корхоналарда, жамоат жойларида махсус таълим дастурлари ва семинарлар ташкил этиш зарур.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган мониторинг ва назорат: Давлат органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимлари профилактик мониторингни ўз вақтида ва тизимли олиб боришлари керак. Ҳар бир ҳуқуқбузарлик тури бўйича статистика тўплаш, таҳлил қилиш ва натижаларга кўра янги профилактик чоралар ишлаб чиқиш муҳим.

Қонунчиликни такомиллаштириш орқали уларнинг самарадорлигини текшириш, ахборот ва тадқиқотлар орқали уларга тегишли ўзгаришлар киритиб бориш лозим. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган янгиланган қонунлар ижтимоий муҳитдаги ўзгаришларга жавоб беришга ёрдам беради.

Психологик ва ижтимоий ёрдам: Кишиларнинг ҳуқуқбузарликларга йўл қўйишининг олдини олиш учун, ижтимоий ва психологик ёрдам кўрсатишни кучайтириш зарур. Бу ишлар, айниқса, ёшлар ўртасида, қийин аҳволга тушган фуқароларга, ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлганларга қаратилган бўлиши керак.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда жамиятнинг иштирокига тўхталадиган бўлсак. Дарҳақиқат, жамият ва фуқаролик жамияти ташкилотлари профилактик тадбирлар олиб боришда муҳим роль ўйнайди. Жамоатчилик билан ҳамкорлик қилиш, жамоат назарини ёритиш, ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда фуқароларнинг актив иштирокини таъминлаш керак. Бунинг учун:

- Ҳуқуқий маданият ва ахборотни оммалаштириш
- Қонунлар ва тадбирлар ҳақида фуқароларни хабардор қилиш
- Жамоатчилик жойларида ҳуқуқий маслаҳатларни ташкил қилиш

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика самарадорлигини ошириш: жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифларни келтириш мумкин:

биринчи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикани амалга ошириш учун давлат органларининг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг ва жамиятнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш.

иккинчи. Ҳуқуқий онгни шакллантириш мақсадида таълим ва тарбия тизимини такомиллаштириш.

учинчи. Жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ҳуқуқбузарликларга қарши курашишдаги ролини янада ошириш.

тўртинчи. Қонунчиликни замон талабларига мувофиқ такомиллаштириш ва профилактика самарадорлигини баҳолаш тизимини яратиш.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика самарадорлигини ошириш давлат ва жамиятнинг кўп жиҳатли иши. Бунинг учун ҳуқуқий механизмлар, таълим, ижтимоий ёрдам ва жамоатчиликнинг актив иштироки муҳимдир. Қонун ва қонуности ҳужжатлари, шунингдек, ҳуқуқий онгнинг ривожланиши, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш чоралари самарали профилактика стратегиясини ташкил этади ва жамиятда ҳуқуқбузарликлар хавфини камайтиради.

Фойданалган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” ги 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сонли Фармони.
5. Мирзиёев Ш.М. “Демократик ислохотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт кафолатидир” //Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал - демократик партиясининг VIII съездидаги маърузаси, 2016 йил 2 ноябрь. –Т. “Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил 3 ноябрь.
6. Наргисахон Мухтаровна Умурзакова “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ҳуқуқий таълим ва тарбиянинг узвийлигини таъминлаш”. <https://cyberleninka.ru/article/>
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 26-мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 29-ноябрдаги “Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармон.
11. Қадамович, Бабаханов Ҳамдам. "ХОТИН-ҚИЗЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ." Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences 4.4 (2024): 33-41.

INNOVATIVE
ACADEMY